

Сийрат дарслари (146-дарс). Битта қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қилинг!



17:00 / 23.07.2021 4553

542. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абдурроҳман ибн Авф Мадинага келганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни Саъд ибн Робийъ Ансорий билан биродар қилиб қўйдилар. Ансорийнинг иккита хотини бор эди. Шунда у Абдурроҳманга моли ва аҳлининг ярмини бермоқчи бўлди. У эса: «Аллоҳ сенинг аҳлингга ҳам, молингга ҳам барака берсин. Менга бозорни кўрсатиб қўйинглар», деди. У бозордан қурт ва сариёғ орттириб келди. Бир оз вақтдан кейин уни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эғнида сариқ бўёқли кийим билан кўриб, унга: «**Нима гап, Абдурроҳман?**» дедилар. «Ансорийлардан бир аёлга уйландим», деди. «**Унга (маҳрига) нима бердинг?**» дедилар. «Бир данак вазнича тилла», деди. «**Битта қўй сўйиб бўлса ҳам тўй қил**», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

543. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб: «Ансорийлардан бир аёлга уйландим», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Унга назар солдингми? Ансорийларнинг кўзларида бир нарсаси бўлади**», дедилар. «Унга назар солдим», деди. «**Унга қанча (маҳр)га уйландинг?**» дедилар. «Тўрт

увқияга», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: **«Тўрт увқияга? Худди кумушни мана шу тоғнинг ёнбағридан қўпориб олаётганга ўхшайсизлар-а! Бизда сенга берадиган нарсамиз йўқ. Лекин бирор гуруҳ билан юборишимиз мумкин. Шояд, бирор нарса топсанг!»** дедилар. Сўнг Бану Абасга гуруҳ юбордилар ва ҳалиги одамни улар билан жўнатдилар».

Муслим ривоят қилган.

Увқия - кумуш пулнинг ўлчови. Бир увқия қирқ дирҳамга тенгдир. Тўрт увқия 160 дирҳамга тенг.

* * *

544. Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, вафо қилиниши энг ҳақли шарт фаржларни ҳалол қилиб олганингиздаги (никоҳдаги) шартдир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан